

**Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази
Ахборот-библиография хизмати**

КИТОБ- МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

*Ўлка жамгармасидан жой олган адабиётларнинг
библиографик шарҳи*

*Китоб- миллатнинг маданий
ва маънавий мероси*



*Китоб ва китобхонлик-инсон
маънавияти кўзгусидир*

*Китоб мутолааси руҳни,
тафаккурни озиқлантиради*



АНДИЖОН-2022

«Ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим»

Шавкат Мирзиёев

Кириш


Қадимдан китоб мутолааси шахсни тарбиялашда унинг индивидуал хусусиятларини очиб беришда муҳим ва ажралмас рол ўйнаган, шунингдек унинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Китоблар барча замонлар учун энг зарур, қалблар малҳами, билимлар хазинаси, донишмандлик чашмаси бўлиб қолаверади. Инсон тафаккурининг янгиланишида, унинг онгига маълум бир ғояни сингдиришда ҳеч қайси соҳа адабиётчалик куч ва имкониятга эга эмас. Чунки адабиёт бадий сўз ва образлар воситасида омма руҳиятида тубдан ўзгариш ясайди. Бугун ўзбек адабиёти кўп асрлар мобайнида шаклланган миллий ўзига хослигини тўла сақлаган ҳолда жаҳон адабиёти таркибига қўшилиш йўллари излаб топиш имкониятига эга бўлди.

Инсон тафаккурининг янгиланишида, унинг онгига маълум бир ғояни сингдиришда ҳеч қайси соҳа адабиётчалик куч ва имкониятга эга эмас. Чунки адабиёт бадий сўз ва образлар воситасида омма руҳиятида тубдан ўзгариш ясайди. Бунинг учун ижод аҳли эркин нафас олиш, хоҳлаган мавзусида қалам тебратиш, истаган муаммосини кўтариш ва албатта, кўнглига маъқул келадиган қаҳрамон тимсоли орқали тасвирлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Юртимизда айни пайтда ёшларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқишини оширишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Кенг қамровли тарзда амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида ахборот-кутубхона муассасаларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ватанга муҳаббат остонадан бошланади. Андижонлик шоир, ёзувчи, олимларнинг ижодий ва илмий фаолиятларининг самараси ўлароқ яратилган бадий асарлар, илмий, илмий-оммабоп асарлари билан таништириш ҳам кутубхоналар иш фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу библиографик қўлланма АКМ китоб жамғармасидан ўрин олган ўлкамизга оид адабиётлар билан кенг китобхонлар оммасини таништиришади.

"Илмий тадқиқот методологияси"



Бугунги кунда мутахассис кадрларнинг илмий тадқиқотининг назарий ва амалий асосларини ўрганиш ва эгаллаган билимларини амалиётга татбиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Илмий тадқиқот ва изланиш фан олдига илмни маълум бир ижтимоий мақсад сари ривожлантириш каби янги вазифа ва масалаларни қўймоқда.

Бу жараён ўз навбатида олий ўқув юртларида илмий таълим сифати ва самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, истеъдодли ёшларнинг тадқиқотчилик маҳоратини, фаннинг энг сўнгги ютуқлари ва талаблари асосида иш олиб бора оладиган етук-мутахассис кадрларни етиштириш вазифасини қўймоқда.

Бу ўринда илмий тадқиқот методологияси фани мутахассис кадрлар фаолиятининг процессуал тузилиши, ўзини-ўзи англаш, баҳолашга ёрдам беради. Магистрлик ва докторлик диссертацияси мавзуини танлаш, ифодалаш, тадқиқотининг долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятини белгилаш, асослашга хизмат қилади. Тадқиқот муаммосининг изланиши, гипотезаларнинг ифодаланиши, тадқиқот мақсадини белгилаш ва вазифаларини қўйиш, тадқиқот услубларининг танланиши ҳамда унинг режалаштирилиши каби инновацион профессионал мезонлари ҳақида ҳам тушунча ва тасаввурларга эга бўлади.

Ушбу ўқув қўлланмада мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг магистратура бўлимида ўтиладиган "Илмий тадқиқот методологияси" фанига доир фан предмети, вазифалари, унинг аҳамияти, билимлар тизимида илмий бўлимнинг ўрни, ижод ва илмий тадқиқот, фан, ижтимоий-маданий ходиса сифатидаги мавзулар содда ва тушунарли тилда баён қилинган.

Умуман ушбу қўлланмада барча олий таълим муассасаларининг магистратура талабалари, илмий тадқиқот ва ижод муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, олимлар ва профессор-ўқитувчи ҳам фойдаланишлари мумкин.

Арипов, З. С. Илмий тадқиқот методологияси [Матн]: ўқув қўлланма / З. С. Арипова. – Андижон нашриёт-матбаа МЧЖ, 2021. – 280 б.

"Терининг инфекцион ва паразитар касалликлари"



Хозирги кунда тери касалликлари билан хасталанган беморлар сони ортиб бормоқда. У бир дона марвариддек бўлсада киши табини хуфтон қилади.

Бугунги кунда тиббиётнинг дерматология ва косметология йўналиши шиддат билан ривожланмоқда, соҳада кўплаб ютуқларга эришилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Инсон териси организмнинг энг улкан аъзоси ҳисобланади. Терининг барча касалликлари орасида унинг инфекцион ва паразитар касалликлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу касалликлар ичида аҳоли орасида кенг тарқалган касалликлар ҳам (масалан, пиодермитлар), охириги йилларда кам учрайдиган касалликлар ҳам (моҳов, тери сили) маълум минтақалардагина учровчи эндемик касалликлар ҳам (масалан, тери лейшманиози), йил фаслларига боғлиқ равишда тўлқинсимон кўпайиб ва озайиб борувчи касалликлар ҳам учрайди.

Бу касалликлар ҳақида маълумот берувчи ушбу ўқув қўлланмани даволаш, педиатрия, стоматология ва касбий таълим факультетлари талабалари учун бирдек манфаатлидир, Бундан ташқари, ушбу ўқув қўлланмадан



дерматовенерология фани бўйича магистратура ўтаётган магистратура резидентлари ва клиник ординаторлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Ўқубова, М. А. Терининг инфекцион ва паразитар касалликлари [Матн] : ўқув қўлланма / М. А. Ўқубова; муҳаррир М. М. Мадазимов. – "Андижон наширёт-матбаа МЧЖ, 2021. – 112 б.

"Сувнинг ажойиб хусусиятлари ва мўъжизалари"



Инсон учун энг қадрли неъмат сув эканини ҳамма билади. Қадим-қадимдан сувни оби-ҳаёт деб аташади. Усиз ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз. Бизнинг чанқоғимизни қондирган ҳам, поклаган ҳам, халқ хўжалигининг турли жавҳаларида оғиримизни енгил қилаётган ҳам, турли ноз-неъматларни етиштиришда фойдаланилаётган модда ҳам сувдир. У ўсимликлар, ҳайвонот олами, микроорганизмлар яшаши учун зарур шароитларни

яратиб беради.

Сувнинг биз билмаган яна қанча хоссалари, хусусиятлари борлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Табиат қонунларига кўра, атроф-муҳитда кечаётган модда алмашинуви жараёни унинг маълум қисмини мунтазам равишда тўлдириб боради. Бунга, эса аввало, буғланиш ва яна ерга қайтиш жараёнини мисол келтириш мумкин. Мазкур жараён сувнинг табиатдаги айланиши гидрологик доира сифатида унинг ер ичида, устида ва осмондаги ҳаракатини ва мавжудлигини тасвирлайди.




Анджон давлат тиббиёт институти профессори, тиббиёт фанлари доктори Йўлдошали Эгамов ва Беҳзодбек Эгамовнинг мазкур рисоласида оби ҳаёт аталмиш бу модданинг биз билган ва билмаган томонлари, унинг оддий эритувчиликдан тортиб, ҳатто ахборотни узатишдек мўъжизавий жиҳатлари кенг ёритиб берилган.

Ушбу рисола билан танишар экансиз рангсиз, хидсиз, тиниқ ва таъмсиз бўлган, лекин ғайритабиий ҳисобланган сувнинг сирли мўъжизалари, ахборот ташиш имкониятлари ва бошқа маълумотларни билиб оласиз. Мазкур рисола нафақат кимёгарлар, биолог-шифокорлар, балки оддий ўқувчилар учун ҳам катта фойда беради, албатта.

Эгамов, Й. Сувнинг ажойиб хусусиятлари ва мўъжизалари [Матн] : илмий-оммабон рисола / Йўлдошали Эгамов; муҳаррир Н. Икромий. – Андижон : "Ҳаёт", 2020. – 112б.

"Боғи Бобур"



Соҳибқирон Амир Темур авлодлари орасида башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган сиймолардан бири, шубҳасиз, буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Мирзо Бобурнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси ғоят салмоқлидир. Темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари томонидан Қобул ва Ҳинд диёрида амалга оширилган

бунёдкорлик ишлари, хусусан, у яратган боғларнинг тарихи диққатга сазовордир.

Тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасанийнинг қаламига



мансуб бўлган шеърий рисола Бобурнинг рубойларига назира ва жавоб сифатида ёзилган бўлиб, унда Бобурнинг ҳаёти, илмий фаолияти, боғлари, меъморий обидалари, асарлари, яқинларининг ҳаёти акс этган. Шунингдек китобга муаллифнинг "Бобур мирзо ва Мавлоно Юсуфий табиб"

номли романининг 2-китобидан боблар киритилган.

1992 йилда мутассади ташкилотларнинг тегишли қарорлари билан Андижоннинг Боғишамол даҳасидаги "Халқлар дўстлиги" дам олиш масканига буюк бобомизнинг муборак номи берилиб, боғ Бобур номли халқаро жамоат фонди тасарруфига берилди. Натижада бутун мамлакатга бу маскан "Боғи Бобур" номи билан танилди.

Бир сўз билан айтганда, Бобур боғи Андижонимизнинг ташриф қоғозига айланган, десак муболаға бўлмайди. Шеърий рисоладаги барча ғазаллар, тўртликлар ва аруз вазнида рубойилар Бобур ҳаёти, асарлари, қурилишлари, қурган боғлари баён қилинган. Бобур яратган **"Боғи Зарафшон"**, **"Қобулий боғ"**, **"Боғи Нилуфар"**, **"Боғи Сафо"**, **"Боғи Фатҳ"**, **Боғи Бобур"**, **"Боғи Вафо"**га аталган тўртликлар битилган.

Ҳасаний, М. Боғи Бобур [Матн] : шеърӣ рисола / Маҳмуд Ҳасаний ; муҳаррир Қамчибек Кенжа. – Андижон : "Андижон наشريёт-матбаа" МЧЖ, 2021. – 320 б.

**"Қатагон қурбонлари хотира китоби"
Андижон вилояти (1865-1991)**



Тарих-ҳақгўй ва бешавқат мураббий. У миллат юзига ойна тутади, унга ўзлигини, ўтмишини, бугунини ва келажагини рой-рўст кўрсатади. "Инсон-азиз, хотира муқаддас" деган ғоя асосида юртимизда аҳоли, айниқса ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-боболаримизнинг хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг кўрсатган жасорати ва ибратли фаолиятини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот ишлар ташкил этилмоқда.



XX аср халқлар ҳаётида азоб-уқубатлар, тажовузлар, фожиалар баробарида буюк бунёдкорликлар даври бўлди ва бўлмоқда. Шу боис аср кечмишларининг ҳар бирини маҳсус, алоҳида англашимиз, ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз керак. Негаки ўша тарих келгуси авлодлар учун ҳам сабоқ бўлади.

Тарихимизнинг аянчли, ҳасратли, фожиали саҳифаларини чуқур ва атрофлича ўрганишда ҳам бор ҳақиқатни, аччиқ ҳақиқатни акс эттириш керак. Ушбу китобда миллатимизнинг рус ва совет мустамлакачилиги даврида қатагон қилинган, сокин турмуши тамомила издан чиқарилган, олис ва совуқ ўлкаларга сургун қилинган, жисмонан маҳв этилган етук намояндалари тақдири қаламга олинган. Китоб тарихчи олимлар, тарих йўналишидаги изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, талаба, ўқувчилар ва юртимиз тарихига қизиққанлар учун мўлжалланган.

Шамсутдинов, Р. Қатагон қурбонлари хотира китоби Андижон вилояти (1865-1991 йиллар) 1 қисм [Матн] : илмий-оммабон / Рустам Шамсутдинова ва бошқ. – Тошкент: Академнашр, 2021. – 448 б.

"Бўлажак шифокорларнинг деонтологик тарбияси"



Дунёда мутахассислар кўп, шулардан бири шифокорлардир. Хозирги шароит социал-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш талаб қилмоқда. Бу эса инсон омилига бевосита боғлиқдир. Инсон омили кишиларнинг ахлоқи, одоби, маданияти, интизоми, меҳнатсеварлиги каби фазилатлари билан узвий боғлиқдир.

Шифокор деонтологияси- шифокор бурчи ва одоби ҳақидаги фан бўлиб, врачлар, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимларининг ҳатти-харакатини белгилайдиган мафкуравий дастурлар амалидир.

Шифокор деонтологияси бир қанча йўналишлардан иборат.

1. Врачнинг бурчи ва одоби;
2. Врач ва бемор ўртасидаги муносабат;
3. Врач ва беморнинг қариндошлари, дўстлари ўртасидаги муносабат
4. Врачнинг ҳамкасблари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари билан муносабати;
5. Шифокорлик сирларини сақлаш;
6. Устоз ва шогирд муносабатлари ва х.к.



Тиббиётни эгаллайман деган инсон бир қанча одамийлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозимдир.

Бўлажак шифокорларнинг деонтологик жиҳатдан тарбиялаш борасида тиббиёт олий ўқув юртларида олиб борилаётган айрим тадбирлар диққатга сазоворлир.

Педагоглар, талабалар қалбида миллий ғурурни шакллантиришга асрлар оша таркиб топган гўзал хулқ наъмуналарини акс эттиришга ҳаракат қилмоқлари лозим.


Ушбу ўқув қўлланма кенг китобхонлар оммасига



мўлжалланган бўлиб, инсондаги гўзаллик, яхши хулқ -атвор, яхши фазилатларлар акс эттирилган.

Салоҳиддинов, О. Бўлажак шифокорларнинг деонтологик тарбияси [Матн]: ўқув қўлланма / Одилжон Салоҳиддинов. – Андижон, 2021. – 37 б.

"Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг психологик хусусиятлари"



Мамлакатимизда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, яъни қабул қилинган қонун ва фармойишлар жамиятимиз равнақига ижобий таъсир қилиши шубҳасиздир. Улар мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, давлат таълим стандарти талабларига жавоб бера оладиган, етук, рақобатдош кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари жамиятимизга ижодий тафаккурга эга, билим салоҳияти юқори бўлган, малакали мутаҳассисларни етказиб бериши керак. Бунинг учун, албатта, олий таълим талабаларини мустақил фикрлашига эътибор қаратилмоғи керак.

Мустақил фикр юритиш ва унга интилиш, ҳар қандай шарт-шароитда ёки вазиятларда бажариладиган иш объектини аниқлай олиш, янги вазифаларни ҳал этишда ўз ёндашувини амалга ошира олиш, эгалланиши лозим бўлган билимларни нафақат тушунишни, ўрганишни исташ, балки ушбу билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришнинг тез, самарали усуллари излаб топиш, бажарилган ишларни таҳлил қилишда танқидий ёндашув, ўз ғоя ва қарорларининг эркинлиги ҳисобланади.

Ушбу монография мутаҳассислик фанларини ўқитишда мустақил таълимни ташкил этиш услубиётини ўрганишга бағишланган. Унда олий таълим талабаларида мустақил таълимни ташкил этиш услубиётини ўрганиш ва психологик хусусиятларини амалиётга тадбиқ этиш кўрсатиб берилган.

Мазкур монография профессор-ўқитувчилар, талабалар ва умуман мустақил фикрлаш масалаларига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Якубова, Б. Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг психологик хусусиятлари [Матн]: монография; муҳаррир Т. Сулейманова / Барно Якубова. – Андижон: Андижон нашриёт-матбаа МЧЖ, 2021. – 88 б.

Ҳикматларни ўқиб уққаним...



Шарқ халқлари қадимдан мақол-маталлар, теран маъноли хикматли сўзлар, ибратли ривоятларга мойилликлари билан ажралиб турадилар. Халқ эртаклари донишманд ота-боболаримиз битта хикматли сўзни бир тиллага сотиб олганлигидан шоҳидлик беради.

Буни қарангки, улуғ аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий мерос биз авлодларга нафақат маърифат ва зиё манбаси бўлиб хизмат қилади, балки илм олиш йўлида амал қилиниши зарур бўлган ғоят фойдали ва бебаҳо ўғит ва кўрсатмаларни ўзида мужассам этади.

Элёрбек Қурбоновнинг ушбу китоби донишмандлар ижодлари таъсирида бунёд бўлган. Бу китобга жамланган битиклар ўқувчига танишдек туюлади. Халқимиз оғзаки ижоди дурдоналари, улуғ мутафаккир аждодларимиз панду насиҳатларини кўп ўқиган, қолаверса, ота-боболаридан бу каби хикматларни эшитган киши улар ўртасидаги фарқни сезиши мумкин.

*"Ҷинақам ватанпарвар,
Элига бўлар сарвар"*

Ҳикматли сузлар

*"Яхшилик тиламоқ, яхшиликқа тенг,
Яхшиликнинг дерлар, бағри кенг"*

Сара нақл ва маталлар, фикр-мулоҳазалар, хикматлар хазинасини ўзида жамлаган мазкур рисола сиз азиз китобхонларни яхшиликка ошно қилади, эзгулик меваларидан баҳраманд бўлишга ундайди.

Қурбонов, Э. Ҳикматларни ўқиб уққаним... [Матн]: мақоллар, матал ва хикматли сўзлар; муҳаррир Восит Аҳмад / Элёрбек Қурбонов. – Андижон: Андижон нашриёт-матбаа" МЧЖ, 2021. – 112 б.

"Эътиқод"



Ўлмас Мурод узоқ йиллар аруз вазнида шеърлар машқ қилди, кўплаб ғазаллар, мураббалар, рубоийлар ва бошқа жанрларда ҳам қалам тебратиб, ўзини синаб кўрди. Қаламини ғазаллар машқида қайраган шоир замондош шоирларнинг кўплаб ғазалларига муҳаммас боғлади. Ўша муҳаммасларни жамлаб "Эътиқод" номи билан нашр эттирди.

Ўлмас Мурод Алишер Навоийнинг 101 ғазалига муҳаммас боғлаб, нашр эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, шоир бу улкан вазифани имкон қадар уддасидан чиқди. Бундай катта ишни амалга ошириш учун шоирда кучли

билим, илмий тафаккур ва сўз бойлиги бўлиши керак. Демак, бу фазилятлар шоир қалбида мужассамдир.

Алишер Навоий ғазалига муҳаммас

*Боқишларинг қутлуғ онимга нофиз,
Ё сўзлашмаққимқонимга нофиз,
Бахт топмоқ оқ йўл равонимга нофиз,
Лабинг ҳуқми эрур қонига нофиз,
Демай қонигақим, жонимга нофиз*

Азиз китобхон! Шоир тузган муҳаммасларини ўқинг ва мулоҳаза қилинг.

Мурод Ўлмас Эътиқод [Матн] : Алишер Навоийнинг 101 ғазалига ҳамда Нусрат Абдусаломнинг 101 ғазалига муҳаммас ; муҳаррир Нусрат Абдусалом / Ўлмас Мурод. – "Андижон нашриёт-матбаа" МЧЖ, 2022. – 304 б.



"Айрим қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги"

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ўз хусусиятлари билан мавжуд навлардан устун турадиган янгидан-янги навлар яратилишини талаб

этади. Бунинг учун hozирги кунда турли хил селекция услублардан фойдаланилади.

Демак, селекция кенг маънода танлаш тўғрисидаги таълим деса бўлади. Унинг жараёнига, дастлабки ашё яратиш, ирсият ва ўзгарувчанлик, танлаш, эктириб келинаётган навларни яхшилаш билан шуғулланади.

Ўқув қўлланмада, селекция ва уруғчиликнинг янги усуллари, яъни ген муҳандислигини, биотехнологик асослари тўғрисида ҳамда айрим қишлоқ хўжалик экинларининг кейинги йилларда яратилган навларнинг морфологияси ва биологияси тўғрисида ҳам маълумотлар берилди. Бунда ҳар бир экиннинг селекцияси ва уруғчилиги, Ўзбекистон шароитининг хусусиятлари, суғориладиган ва ерларда экилиши, жаҳон фанининг ва олимларнинг ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда ёритилди.

Ўқув қўлланма агрономия, қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги йўналишидаги бакалавриятда таълим олаётган талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган, Давлат таълим андозаси талаблари асосида тузилган намунавий ўқув режа ва фан дастури мазмуни асосида тайёрланди.

Ушбу ўқув қўлланмадан ўқитувчилар, талабалар, докторантлар, илмий-тадқиқотчилар, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат йўналишидаги лицейлар, касб-хунар коллежларининг ўқувчилари, селекция муассасалари, Давлат нав синаш шаҳобчалари мутахассислари, умуман қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган ходимлар фойдаланишлари мумкин.



Эгамов, Х. Айрим қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги [Матн] : ўқув қўлланма ; муҳаррир А. Султонов. – Андижон : "Ҳаёт" нашриёти, 2019. – 140 б.

"Ломоносов келармиш?!"




Жаҳон тарихидан маълумки, ҳар қандай давр ёҳуд ижтимоий тузумнинг ўзига хос хусусиятлари, у билан боғлиқ ижобий ва салбий томонлари бўлган. Табиийки, Шўролар тузumi ҳам бундан мустасно эмас эди. Миллат тарихидаги ҳар бир йил келажак авлод учун сабоқ бўладиган, ўзи учун мантиқий хулосалар чиқариб оладиган манба бўлиб хизмат қилиши керак.

Қўлингиздаги ушбу қиссани беназир устозимиз Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда "...мозийдан, яқин ўтган кунлардан" бир лавҳа сифатидаги битиклар деб ҳисоблаймиз. Мазкур китобни мутолаа қилар экансиз, кўз олдингизда ўтган асрнинг 70-йилларидаги қишлоқ ҳаёти манзаралари, аниқроғи, "колхоз тузumi"нинг ёрқин қирралари намоён бўлади. Ўз даврида ўзбек адабиётида бу мавзуга бағишланган кўплаб китоблар ёзилди, бироқ улар замона зайли билан "социалистик реализм" руҳида битилган асарлар эди. Ўз даврида, адабиётимизда айнан ўша замон кечмишлари тасвирланган кўплаб китоблар яраётган бўлса-да, табиийки, уларнинг деярли барчаси "Социалистик реализм" руҳи билан суғорилган асарлардан иборат эди. Ушбу қиссада эса, муаллиф жамиятни "Мустабид тузум" йиллари қишлоқ хўжалигида, айнан қишлоқда, аниқ бир далил ва бир "тарихий" шахс атрофида бўлиб ўтган воқеа орқали тасвирлашга ҳаракат қилган. Китобнинг қимматли томони шундаки, бунда реал ҳаёт ҳар қандай чеклов ва нормаларсиз, рўй-рост тасвирланади.

Ушбу китоб Андижонлик ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, асли касби инженер-гидротехник Дурбек Кўлдошевнинг 4 китоби. Бугунги кунда мустақиллик даврида туғилиб камолга етаётган ёшларимиз тафаккур қилиб, таққослаб кўриш учун яқин ўтмишимизда бўлиб ўтган мана шундай ачинарли муҳитни билиб қўйиш, уларнинг дунёқарашлари ўсишига, бугунги ёруғ ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишига хизмат қилади.

Кўлдошев, Д. Ломоносов келармиш?! [Матн] : қисса ; муҳаррир Абдулҳамид Искандар / Дурбек Кўлдошев. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти, 2021. – 88 б.

Ўзбекистон тарихидаги этнонимлар ва этносиёсий жараёнлар



Ҳар бир халқнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёти этник жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Халқнинг этногенез (келиб чиқиши) ва этник тарихидан ушбу халқ тарихи илдиз олади. Ўзбек халқининг ҳам этногенези ҳам қадим даврларга тақалади.

Ўзбекистон тарихи фанида халқимизнинг қадимги даврлардан бугунги кунга қадар босиб ўтган узок тарихий тараққиёти тизимли равишда баён қилинар экан, унда жуда кўплаб ўзига хос атамаларга дуч келамиз. Бу атамалар тарихий атамалар бўлиб, ушбу фаннинг турли соҳаларига оиддир.

Ўзбекистон тарихи фанида учрайдиган этнонимларнинг аксарияти уруғ-қабилаларнинг номланиши бўлиб, улар ҳақида тарихий-этнографик маълумотларни билиш, нафақат ўзбек халқини, балки қардош туркий халқларни этник тарихини чуқур билиб олиш имконини беради.

Ушбу монография Ўзбекистон тарихи фанидаги этник атамаларнинг, хусусан, халқларнинг номланишини тарихий-этнографик асосида таҳлили ва тавсифига бағишланган. Унда турли этник уюшмаларни ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига миграцияси тарихий-хронологик кетма-кетликда кўрсатиб берилган.

Китобда юртимизга кўчиб келган этносларни бу ҳудудда жойлашуви, сони, этник тузилиши, этномаданий хусусиятлари ва маҳаллий аҳоли этногенетик алоқалари ҳамда этносиёсий жараёнлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Абдуллаев, У. Ўзбекистон тарихидаги этнонимлар ва этносиёсий жараёнлар [Матн] : қадимги даврдан ҳозирги кунгача ; муҳаррир А. А. Аширов / Улўзбек Абдуллаев. – Андижон : "Андижон наشريёт-матбаа МЧЖ, 2021. – 136 б.



"Андижоним-қалб гавҳарим"

Шонли тарихимизга қарасак ҳам, бугунги кунга боқсак ҳам Андижон заминида кўп соҳалар бўйича қанчадан-қанча буюк фидойи инсонлар етишиб чиққанига амин бўламиз. Ўз миллати, орномуси учун бел боғлаб майдонга чиқиш Андижон аҳлига хос азалий одат.

Одилжон Нишоновнинг "Андижоним-қалб гавҳарим" деб номланган янги тўпламда Муҳаммад Юсуф, Шерали Жўраев ва Рафиқ Мухтор сингари Андижоннинг дилбар ва доно фарзандларига бағишланган асарлари сафига яна бир рисоласи қўшилаётгани, бу гал у жаннатмакон юртимизнинг ўнлаб азиз инсонлари-ижодкорларини қаламга олганлиги эътиборга лойиқдир.

Одилжон Нишонов серқирра ижодкор. У нафақат мўйқалам соҳиби, балки қалами ўткир муҳбир, шоир ва таниқли публицист сифатида кўплаб қизиқарли мақолалар ва шеърлар муаллифидир.

Тўпламнинг "Эҳтиром" деб ном олган биринчи қисмида Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти, севимли хофизимиз Шерали Жўраев ижодий фаолиятига бағишланган жонли ва қизиқарли воқеалар, мусаввирлар мураббийси Маҳмуджон Орипов ҳамда Ўзбекистон халқ рассоми Обиджон Бакировлар ҳақида хотиралар, машҳур шифокор Усмонжон Шокиров фаолиятига бағишланган "Гўзаликка ошуфта кўнгил" ҳамда "Оқ тулпор" воқеий ҳикоялари жой олган. Биргина мисол сифатида "Оқ тулпор" ҳикоясига тўхталиб ўтмоқчиман. Асосий қаҳрамонлари-замондошларимиз, Андижон автокорхонасида ҳалол ҳизмат қилган Холмуҳаммад Юнусов ва келажагимиз бунёдкорлари-ёшларга маърифат ва зиё улашган фидойи муаллима Хадича Аҳмедоваларнинг ёшлик пайтларидаги покиза муҳаббатлари ҳикояда ишонарли, рангли бўёқларда тасвирланган.

Бу асарни ўқиган ҳар қандай китобхон унинг қаҳрамонларини ёқтириб қолиши шубҳасиз. Ҳикоя муаллифи оддий сўзлар билан қаҳрамонлар қиёфаларини шундай теран назар билан чизадик, гўё китобхон бу ҳикояни ўқимай, асар қаҳрамонлари билан ўзини жонли мулоқотда сўзлашаётгандек ҳис этади.

Эътиборга лойиқ бўлган яна бир муҳим ишлардан бири шуки, китобда битилган ва тилга олинган ҳар бир қаҳрамон портретининг

берилиши ҳам китобхонларнинг эътиборини тортади ва бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

Нишонов, О. Андижоним-қалб гавҳарим [Матн] : ҳамюртларим сувратига чизгилар ; муҳаррир Восит Аҳмад / Одилжон Нишонов. - Андижон: "Андижон наشريёт-матбаа" МЧЖ, 2021. – 168 б.

"Ақлий ҳисоблаш ускунаси"



Мактабгача таълим тизимини мамлакатимизда сиёсат даражасига кўтарилди. Ҳозирги даврни инновациялар ва ўзгаришлар даври, миллий мактабгача таълимни модернизация қилиш ва уни дунё таълим маконига интеграциялашув даври сифатида тавсифлаш мумкин. Бу даврни тизим шароитлари ва талабларининг тез ўзгаришига мослашувчан, эгилувчан, ташаббускор ва ижодкор тарбиячи-педагоглар даври дейиш мумкин.

Ушбу услубий қўлланма юқоридаги маъсулиятли вазифаларни бажаришда, мактабгача таълим ташкилотининг Давлат ўқув дастурини амалга оширишда беминнат кўмак беради. Унинг мактабгача ёшдаги болаларга таълим ва тарбия беришнинг методик масалалари содда, тушунарли тилда баён қилинган.

Ушбу услубий қўлланма мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари, услубчилар, умумтаълим мактабларида ташкил этилган қисқа муддатли таёрлов гуруҳлари ўқитувчилари, педагогика олий ўқув юрти талабалари, оналар учун мўлжалланган. "Ақлий ҳисоблаш ускунаси" замонавий мактабгача таълим ташкилотларига зарурий бўлган дидактик воситалардан бири ҳисобланади.



Азимова, З. Е. Ақлий ҳисоблаш ускунаси [Матн] : мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари учун услубий қўлланма ; муҳаррир В. Қодиров / З. Е. Азимова. – Андижон : "Андижон-нашриёт-матбаа" МЧЖ, 2020.- 100 б.

Китоб-маънавият хазинаси : ўлка жамғакрмасидан жой олган адабиётларнинг библиографик шарҳи / Тузувчи : Солиева Д. – Андижон, 2022. – 17 б.